



Халк ўзини бошкаришга ўргангандагина етуқ фукаро бўлишга муносибdir. Озодлик, аввало ўз-ўзини бошкаришга кодирлиқdir. Ўз-ўзини, фикр ва хис-туйгуларини, ўз ички "тўполонлари"ни бошкаришга ўрганган кишиларгина ўзгаларни, ўз мамлакатини бошара олади.

Николай БЕРДЯЕВ

Туркистонда мухторият тузиш гояси, февраль инкилоби берган озодликдан сўнг пайдо бўлган эди. Бу фикр дастлаб 1917 йилнинг 12 ноябрида «Шўрои уламо» жамиятининг раҳбари Шерали Лапин раҳбарлигига Тошкентда бўлиб ўтган «Мусулмон жамоаларининг бирлашган йигини»да расман ўртага ташланган. Бу таклифни миллий савдо буржуазияси, ўлкада эндиғина шаклланаётган саноат буржуазияси вакиллари, демократик ўзгаришлар тарафдори бўлган мусулмон зиёлилари ва руҳонийлар билан бир каторда куйи меҳнаткаш табака вакиллари хам кўллаб-кувватладилар.

1917 йилнинг 26—29 ноябрида Кўконда Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда курултойи чакирилади. Курултой ноибларининг асосий кисмини эндиғина тетапоя бўлаётган миллий савдо-саноат буржуазияси вакиллари хисобланмиш, янги дунё кўрган савдогарлар ва руҳонийлар ташкил этарди. Кўпчилик ноиблар мустакил демократик мусулмон давлатини тузиш, кўшни давлатлар билан сиёсий-иктисодий алокаларни мустахкамлаш гоясини илгари сурдилар. Ноиблар Туркистон жаҳон тараккиётидан узилиб колганлигини тушуниб етган, тараккиётга тўскинилик килаётган хар кандай эски кучларни синдириш ва янги илгор унсурларнинг ривожланишига йўл очиш тарафдори эди. Очик овоз бериш йўли билан курултой хайъатига Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўкаев, А. Махмудов, Юргули-Огаев, Саломан Гердцфельд, И. С. Шохиахматов, Камолкори, Акаев, Кичкимбоев, Абдурахмонбек Ўразаев, Пилиев, Каримбоев, М. Бехбудий сайланди.

Съезд кун тартибига иккита масала кўйилади. Биринчи масала: «Туркистоннинг жануби-шаркий иттифокка кўшилиши тўгрисида» бўлиб, делегатлар учун кутилмаганда пайдо бўлди ва анча мунозара тугдирди. Иккинчи масала: «Туркистон мухторияти тўгрисида» эди. 27 ноябрь куни эрталаб съезднинг очилишида шахар хокими куйидагicha

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

фикр билдиради: «Туркистон мусулмонларининг IV Ўлка съездини чин калдан кутлайман ва съезд Туркистонга мумкин кадар кўпроқ фойда келтириб, Туркистон тарихида чукуррок из колдиришини истайман... Шубхасиз, Туркистонга эркин мухторият керак», деб таъкидлади. (Каранг: П. Алексеенков. «Кокандская автономия», Тошкент, 1931 й., 21-бет.) Биринчи масала юзасидан ўтган бахсларда депутатларнинг бир кисми иттифокка киришни маъкулладилар.

Иктисадий жихатдан иттифокка кириш фойдали эди. Чунки ўлкага Шимолий Кавказ ва Оренбургдан дон маҳсулотлари келтириларди. Айни вактда Туркистон ўз пахтасини уларга сотиши мумкин эди. Устига устак «Жануби-шаркий иттифок» худуди ахолисининг катта кисми ислом динига эътиод киларди, бу сабаблар иттифокка киришни якинлаштируса, иккинчи гурухдагилар Туркистоннинг яна мустамлака бўлиб колишидан хавотирда эдилар. Бу гурухдагиларнинг фикрларидан мисоллар келтирамиз: «Казаклар азалдан самодержавиенинг суюнчиги бўлиб келган. Улар халкимизни канчалар азобукубатга дучор килмади. Казаклар доимо инкилобга карши чиккан. Хозир хам казаклар тепасида подшо тузумини кайта тикламокчи бўлган Красновлар, Карапловлар, Келидинлар турибди-ку! Улар Олмония билан урушни галабагача давом эттирмокчи, Истам-булни забт этиб Ок-София черковини кайта тикламокчи. Уларнинг биздан ёрдам сўраб мурожаат килишига ягона сабаб — ўз максадлари йўлида фойдаланишdir. Биз улар билан бирлаша олмаймиз».

Съездда тартиб йўкола боради. Раислик килувчи тажрибасизлиги туфайли тартиб ўрнатолмайди ва у курутой мажлисини ёпик деб эълон килишга мажбур бўлади.

Жануби-шаркий иттифокка кириш эса эртаси кунга колдирилади. 27 ноябрь куни узок тортишувлардан сўнг бўлгувси давлатнинг иктисадий холатини хисобга олиб, иттифокка кириш хакида карор кабул килади.

Съезд кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мунозаралар съезднинг кечки мажлисида ва 28 ноябрь кунги эрталабки мажлисда давом эттирилди.

Бутунрусия Мусулмонлар Кенгаши МКнинг аъзоси, депутат Убайдулла Хўжаев маърузасида куйидагиларни кайд этди. «Русияда хозир хакикий хукumat йўк. Русия империяси музофотида хамма миллатлар большовойларга карши курашга бел боғладилар. Бутунрусия таъсис мажлисининг чакирилишига хеч кандай умид йўк...» Ва маърузачи зудлик билан Туркистонни мухторият бошкарувига ўтишга, депутатларни большовойларга карши курашга чакирди».

Депутат С. Юсупов (Русиядаги вокеалар тўғрисида, айникса, большовойларнинг ноконуний хатти-харакатлари, зўравонликлари хакида алоҳида тўхталиб ўтгач).

Туркистон мухторият хукукини олишга хозир тайёри? Ва ўзи жавоб беради: албатта тайёр эмас, лекин бундан мухторият эълон килишимиз керакмас деган хulosага бормаслик лозим. Озод яшашни хоҳпаймизми? Демак, Туркистонни мухтор жумхурият деб эълон килмок керак.

Депутат Содикбоев: Большовойлар Туркистонни мухтор жумхурият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумхурият деб эълон килишимизга каршилик кўрсатмасинлар. Оврўпаликлар бизнинг ички ишларимизга аралашмасинлар. Чунки ислом дини давлатни демократик тарзда бошкаришга карши эмас-ку.

Депутат Аминхон Тўра: Туркистон 50 йилдан буён Русия хукумати кўли остида. Руслар босиб олгач, ерли ахолининг диний, миллий суд ишларига дарров аралашмаса-да, аста-сёкин ўлка хаётининг хамма жабхаларига кўл чўза бошладилар. Февраль инкилобидан сўнг Туркистон халки озодликка эришдик, деб хурсанд бўлганди.

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Большой лар хокимият тепасига келгандан сўнг зудлик билан мухторият эълон килиш зарурати туғилди. Айтишлари, большой лар уруш эълон килармиш. Майли, лекин улар туркий мусулмонлар диний, миллий хукукларини химоя килиш учун кондан (ўлимдан хам — Ш. Д.) кўрмаслигини унутмасинлар.

Съезд Туркестон тараккиётини белгилаб берувчи тарихий хужжатлар кабул килди. Кабул килинган карорларда демократик кайфиятдаги мусулмон зиёлиларининг фикрлари хам ўз ифодасини топди.

Муфтий Махмудхўжа Бехбудий ўз маърузасида съезднинг Туркестон халклари тарихида улкан ижобий, тарихий ходиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, «Съезд-димиз кабул килаётган карорлар шунинг учун хам ахамиятлики, унда Туркестон ахолисининг оврўпалик вакиллари хам иштирок этмоқдалар», деди. М. Бехбудий съезд раёсатида мусулмонлар билан бир каторда насроний гурухларнинг делегатларидан хам вакиллар бўлишини ёклав чиқди. Уни вилоятдан келган депутатларнинг кўпчилиги кўллаб-кувватлади. Кўконлик бир депутат М. Бехбудий фикрини давом эттириб, куйида-гиларни кўшиб кўйди: «Биз съезд хайъатига вилоятлар бўйича эмас, балки кайси динга мансублиги ва миллий этник гурухларига караб, кенг фикрли, билимли ва ишбилармон кишиларни сайлашимиз керак». Натижада демократик мусулмон зиёлилари талаби билан Туркестон ахолисининг оврўпалик кисми вакиллари хам съездда тенг хукукли бўлиб иштирок этдилар.

1917 йилнинг 28 ноябрида, съезд кабул килган резолюцияда куйидагилар ўз аксини топди. «Съезд Туркестонда яшаётган халклар иродасини ифода этиб, Буюк Россия инкилоби берган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуки»дан келиб чиқиб, Туркестонни Россия Федерацияси таркибидаги маъмурий мухтор жумхурият деб эълон килди. Мухторият хукуки Туркестон таъсис мажлисида конунлаштирилди ва Туркис-тондаги камсонли миллатлар, элатлар хукуки химоя килинажаги тантанали равишда эълон этилди. Тузилган хукумат ўз номини 28 ноябрь куни «ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ» деб атади. Бутунрусиya таъсис мажлисида Туркестоннинг мухторият хукуки расман тан олиниши талаб килинди.

Съезд Бутунрусиya таъсис мажлисини чакириш, кабул килинган карорларга муво-фик бутун хокимиётни тўлалигича «Вактли Туркестон Шўроси» ва «Туркестон Халк Бошқаруви» ихтиёрига беришни талаб этди. Бутунрусиya таъсис мажлисига борадиган Туркестон Вактли Шўросининг таркиби 32 депутатдан иборат эди. Депутатларнинг учдан бир кисмини оврўпаликлар ташкил этди. Чунки мухтор хукуматнинг юкори идораларида йирик этник гурукларнинг ўрни кафолатланган эди.

«Съездда делегатлар иктисадий масалаларга хам алоҳида эътибор берди. Мухтор жумхурият инглизлардан харбий ёрдам билан бир каторда иктисадий ёрдам хам олажагини, жумладан ўлкада очлик хукм сураётган бир вактда тайёрлов нархи бўйича нон харид килиш, озик-овкат махсулотлари, жумладан нон махсулотларини пахтага, жунга алмаштириш тўгрисида келишиб олинди».

Бўлажак давлат мағкурасида ислом дини гоялари хукмронлиги тан олинганди. «1917 йил сентябрь ойидаги «Ўлка мусулмонларининг Олий Кенгаши»да мусулмонлар ўз хукукини аниклаш йўлида, умуминсоният тараккиётига етишишда Куръон ва шариат конунларида кўрсатилганидан бошка тўгри йўл йўқ», деб таъкидланганди. Съезд ўз ишини якунлаш арафасида конун чиқарувчи ва назорат килувчи парламент аъзоларини сайдади ва яна бир карра Туркестон мухтор жумхурият деб эълон килинганини тантанали равишда такрорлади. Депутатлар бу сўзларни тик туриб тингладилар, худога

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

шукроналик билдириб, «Куръон» сураларидан тиловат килдилар.

Кўкон шахрида эълон килинган мухториятнинг микёси кун сайин кенгая борди ва бутун Туркистонга ёйилиб, Туркистон мухториятига айланди.

Турли сиёсий оқимлар мухториятга турлича муносабатда бўлдилар. Ўлгадаги социал инкилобчилар, кадетлар (конституцион демократлар) ва хаттоки харбий халк бошкаруви ёки Губернатор канцеляриясининг чиновниклар ташкилоти хам уни Туркистондаги ягона конуний хокимият эканлигини тан олдилар.

«Улуг Туркистон» газетасининг 1918 йил 19 январь сонида берилган хабарга кара-ганда, 1918 йилнинг 7—10 январида Кўкон шахрида Туркистон социал-инкилобчилар партиясининг II съезди бўлиб ўтади. Съездда Кўкон, Скобелев, Андижон, Марв, Самарканд, Ашхобод, Кизил Арват шахарлари ва нефть конларидан вакил бўлиб келган делегатлар катнашадилар. Съездда Туркистон мухториятини ёклаш хакида бир овоздан карор кабул килинади.

Мухториятни кўллаб-куватлашга багишланган намойишнинг энг каттаси 13 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтади. Бунгача Туркистон ХКСининг хам, хукмрон партия маъмуриятининг хам Кўкон мухторияти ва Тошкентда ўтказиладиган байрам митингига муносабати уччалик аник эмасди. Шунга карамасдан ТошСовет митинг ўтишига рухсат беради хамда шахарда тўла тартиб сакланишини шахар гарнizonи бошлиги Стасиков зиммасига юклайди. Аммо тинч ўтаётган намойишнинг конли тугашига капитан Фролов бошлиқ шахар харбий бўлинмаси сабаб тугдиради. Фроловчилар намойишчиларнинг Кудратли тўлкинидан фойдаланиб, Туркистонни мустамлака холида саклаб колмокчи бўлган ва мусулмонлар билан насронийлар ўртасида жанжал чиқаришга устаси фаранг граф Г. Доррерни озод килмокчи бўлган эдилар. Конли тўкнашувде намойишчилардан 15 киши, аскарлардан бир киши ўлдирилади.

...Ўн саккизинчи йилнинг киши Кўкон учун нихоятда оғир келди. Кўконда рўй берадиган воқеалар силсиласи бутун Туркистонни камраб олди. Шахарда икки хокимиётчилик хукм сурарди. Кўкон Шўроси ва мухторият хукумати ўзларича бир-бирига зид карорлар чиқарар ва ўзларича иш тутарди. Кўконда бўлаётган воқеаларнинг асл моҳияти куйи табака вакиллари онгига сингиб улгурмаганди. Кўкон шахар Шўроси шахарнинг янги кисмида хокимлик килиб, асосан темир йўл ва пахта заводларида ишлайдиган оврўпалик ишчиларга, шахар гарнizonига, Кўкон калъасидаги (собик Кўкон хони Ўрда-си) подшо армиясининг халича уй-уйларига таркалиб улгурмаган аскарларига суюнарди. Калъада доимий яшаётган аскарлар сони бор-йўги 16 киши эди. Подшо армиясининг колган-кутган аскарлари корин ташвиши билан Кўкон атрофида изгиб юрарди. Са-марканда эса (хозирги Хўжанд атрофида) жаҳон урушининг 8 мингдан ортик харбий асиirlарини 8 та аскар кўрикларди. (Биринчи жаҳон урушининг 41 минг 285 та харбий асири Туркистонда сакланарди.)

Шахар гарнizonидаги куролларнинг бир кисми шахар думасининг карори билан мухтор хукумат фойдасига мусодара килинганди. калъадаги эгасиз ётган кўроллар ишчиларга таркатилди. Ва калъадаги куролли кишилар сони 33 тага етказилди.

Февраль ойининг бошларида Кўконда рўй берадиган воқеалар анча жиддий тус олган эди. 11—12 февралга ўтар кечаси бир гурух номаълум кишилар калъага бостириб кирдилар. 12 февраль куни калъадагиларга Сазонов Тошкентдан олиб келган куролларни таркатди ва кечгача калъа химоячиларининг сони 400 кишига етказилди. 13 февраль куни эса калъадагиларга Андижон ва Скобелевдан 120 та яхши куролланган аскар, Перовскдан эса 80 та аскар ёрдамга келди. Уч-тўрт кун ичида калъа

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

химоячиларининг сони 600 дан ошиб кетди.

Туркистон мухторияти илдизига кай тарика болта уришни билолмаётган кизил гвардиячилар, нихоят хар хил миш-мишлардан усталик билан фойдаланади. Буни кир нияти Сазоновнинг хотираларидан хам билса бўлади.

«Кўкон хукумати ва Кўкон воеалари аста-секин жиддийлашиб, кучайиб борарди.

Посетовскадаги съездга кадар, марказдан келган Ислом Шохиахматов Туркистон мухториятининг имкониятлари хакида оташин нутк сўзлади.

...Мухтор хукумат Советлардан мусулмон делегатларини чакириб олди (улар Советларда кўпчиликни ташкил киларди) ва улардан, жангчи хамда дехконлардан иборат парламент яратди. Бойлар куролланаётган эмиш, мухтор хукумат кандайдир жангга тайёрланаётганмиц, аллакаерлардан куроллар олаётганмиш деган узун-кулок гаплар юрарди. Хакикатан хам махаллий бойлар ва ахолининг бадавлат катлами банклардан пулларини олардилар. Темир йўлчиларимиз мухтор хукумат номига келаётган юкни текшириб курол-ярог топган эмиш, деган гаплар кулокка чалиниб турарди. Вакт ўтган сари бундай гаплар кўпаяверди. Кўкон хукумати Советларсиз буйруклар чикара бошлади. Туркистон халклари бу буйрукларга сўзсиз итоат этиши хакида овозалар таркатдилар. Шундай килиб, Кўкон хукумати Совет хукуматининг обрўйига путур етказа бошлади.

Ўлкада шундайин нозик ахвол хукм сураётган бир вактда, аввалига Ашхободда темирийўлчиларнинг З съездига, сўнгра Тошкентда Советларнинг съездида иштирок этишимга тўгри келди.

Съезд ўтаётган вактда, Кўкон Советининг раиси Бабушкин топшириги билан келган 2 аскар мен билан учраши ва Тошкентдан куролли ёрдам кўрсатиш зарурлигини айтиб, Кўкон мухтор хукумати хужумга тайёрланаётгани тўгрисидаги номани менга топшириди. Агар Тошкентдан ёрдам юборилмаса Бабушкиннинг ўзи Тошкентга келиши мактубда таъкидланган эди. Мен ахвол тўгрисида Тоболинни вokiф этдим. Тоболин Кўкондан келган аскарларни кабул килди. Калъа доругаси (коменданти) Якименкони чакирди ва бизларга 300 та милтик, пулемёт ва бошка курол-ярог беришга рози бўлди.

Мен Кўконга куролларни сездирмасдан олиб бориб Мешенковга топширишни маслаҳат бердим, чунки Кўкон калъасининг доругаси Зинченко ишончсиз киши эди.

Ўзимни ростлаб олдим ва уч кундан кейин Кўконга жўнадим. Кўконга кириб боришимиз арафасида паровозчилар бригадасида маъруза килдим. Гўё шахарда осойишталик хукм сурарди. Кўшиларимизнинг айтишларига караганда, тунда шахарда отишма бўлганмиш. Мен воеани билиш учун станцияга бордим. Станцияда темирийўлчилар билан Коновалов ва Рилов бирга экан. Бабушкин тунда мухториятчилар рус зобитлари бошлилигига уларга кандай хужум килганини сўзлаб берди... Кискагина бўлиб ўтган отишмада катнашишга тўгри келди. Кизил гвардиячи сокчилардан бирига ўқ тегиб нобуд бўлди. Бабушкин хотини билан панарок жойга яшириндилар. Кўчада гўёки, хаммаёк жимжит, хамма ўзи билан ўзи овора эди. Шахар телефон станцияси ишлама-ётганди. Отишмани ким бошлаганини аникламок зарур эди. Темирийўлчилар менга ва Николаенкога (партиясиз) мажлисга катнашиш учун мандат беришди.

Биз шахар телефон станцияси томон жўнадик. Телефон хизматчиларининг деярли хаммаси жой-жойида, янги шахар алока тармоги ажратилган. Мен алокачи аёлга «Эски шахарни узиб, Янги шахарни уланг», деб буйрук бердим. Алокачи аёл эса бизга иккила-ниб, Янги шахарни кўшолмаслигини айтди. Маълум бўлишича, кечаси рус зобити бошлилигига бир кисм келиб, Янги шахарни узиб, Эски шахарни узмасликни буюриб

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

кетибди. Зобитларнинг ўзаро телефондаги сұхбатидан уларнинг бири имом билан калья томон жўнаётганини, иккинчиси эса телефон станциясида эрталабгача навбатчилик килишни зиммасига олганини англадим. Улар 73-ракамга телефон килишни келишиб олиши. Бу Кўкон мухторияти хукуматининг телефон рацами экан.

Энди хаммаси тушунарли бўлди. Кўкон хукумати хужум тараддууди. Мен телефончи жувонга: «Эски шахарни узиб, Янги шахарни уланг», деб буйрук бердим. Ва 73-ракамга кўнгирок килиб хукумат аъзоларидан бирортаси борми, деб сўрадим, аксига олиб хеч ким йўқ экан. Телефонда гаплашган кишига хукумат аъзоларининг бирортаси билан соат 4 ларда гаплашмокчи эканимни айтдим.

Калъага кириб борганимизда бир неча марта хужум килиб, уни анчагина вайрон килган эканлар. Калъа доругасини бизга нисбатан хоинлик килган учун камаб кўйибди.

Темирйўл станциясидан туриб, Бабушкин нома юборибди. Унда «Зигель, Чўкаев ва унинг котибини камокка олинглар», деб ёзилган экан. Иккала кизил гвардиячи аскар билан бирга уларни камокка олиш учун жўнадим. Зигель хам, Чўкаев хам уйларида йўқ экан. Уйларини роса тинтув килдик. Котибини уйидан топдик ва уни калъага олиб кел-дик. У бизга мухтор хукумат аъзоларининг рўйхатини ва рус зобитларининг исм ша-рифларини айтиб берди.

Телефон станциясида кодган Николаенкога 12 кишини ёрдамга юбордим. Телефонда келишиб олганимиздай соат 4 ларда экипаж келди. Мен ва Николаенко жин кўча бўйлаб йўлга чикдик. Бизнинг йўлдошимиз мусулмон бўлиб, Шўроларнинг собик аъзоларидан экан. Йўл-йўлакай сұхбатлашиб келдик. Унинг айтишича, мухтор хукуматнинг ихтиёрида курол-ярог ва одамлари жуда кўп бўлиб, уларни шакарда нафакат сартлар ва киргизлар, балки, тоҷиклар, форслар, лазгинлар хам кўллаб-куватлаётган экан.

Кўкон мухтор хукумати Эски шахардаги оврўпача услубда курилган энг катта уйда, собик «Проводник» фирмасининг биносида жойлашган эди.

Бизни М. Чўкаев юзида илик табассум билан кутиб олди ва дастурхонга, чойга таклиф килди. Умуман меҳмонга бўлғандай муносабатда бўлди. Сўнgra кимлигимизни ва нима учун келганимизни суриштирди. Биз унга кечаси рўй берган воқеани айтиб берганимизда, унинг ранги оқариб тутакиб кетди ва ёрдамчисини чакириб, унга баланд овозда: «Мен хукумат бошлигиман, менинг рухсатимсиз нималар бўляпти? Ахир бизнинг Шўро хукумати билан тинч-тотув яшаш тўғрисида кабул килган кароримиз бор-ку!» деб бакирди. Шу вакт мен гапга аралашдим: «Келишиш кеч эмас, рўй берган воқеани текшириш ўз йўли билан, яхшиси музокарани давом эттирамиз. Келинглар, сизлар нимани талаб килсангиз, бизлар ёзиб оламиз. Кўриниб турибдики, сизлар монархист эмас, озодлик тарафдорисизлар». Шунда М. Чўкаев: «Озодликни сизлардай кўллаш бизга тўғри келмайди, тўғри, сизнинг миллатингиз маданиятли, сизларнинг бунаканги озодликларингизга бизнинг мусулмон халкимиз чўкиб кетади», деди... Николаенко котиб сифатида талаб бандларини ёзиб ола бошлади. Жумладан, 7-бандда «Суд юритиш ва хукукий норма коидалари Шариатга асосланиб, ер масаласи ўз холича колдирилсин, аёлларнинг юзи очилмасин, одатдагидай эрига тобе холда колдирилсин ва хоказолар», дейилганди. Сўнgra у Кўконда оврўпаликларнинг факатгина маданиятли катламини, яъни, темирйўлчилар, телеграфчилар ва бошкаларни колдириш таклифини киритди. Уларга катта маوش тўлашга ваъда хам берди.

Шунда Юсуф Давидов киборлик билан: «Бу ерда нима киласизлар», деди. Бундан Чўкаев хаяжонланиб: «Хукумат бошлиги менман-ку! Биз Шўролар хукумати олдига ўз талабларимизни кўйиб, улар билан келишиб оламиз», деди. Юсуф Давидов яна:

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

«Кўйсангиз-чи!» деб Чўкаевнинг гапини бўлди. «Биз бу шартларни тан олмаймиз», деди ва Николаенкодан: «Сиз ким бўласиз?» деб сўради. Мен унга мандатимни кўрсатдим.

«Мен хам расмий шахсман ва расмий равишда айтаманки, сизлар билан келиша олмаймиз». Мен унга биродаркуш бўлиши аник экан-да, дедим. «Катта кетманг, сизлар билан ва сизларнинг халкингиз билан хисоб-китоб килишга бизнинг кучимиз етади», деди Ю. Давидов.

Нима хам килардик. Биз келишолмай курук кайтдик. Мен кальгадагиларни огохлантириш учун у ёкка бордим. Кейин янги Ревкомга (инкилобий кўмита) музокара якунлари тўгрисида хисобот бердим. Темирйўлчилар билан умумий йигилиш ўтказдик ва Ревком аъзоларини сайладик. Ревком аъзолигига Коновалов, Рилов, Николаенко ва мен сайландим. Уларнинг кўпчилиги харбий эмас, харб ишига укувсизрок эди. Менинг мажлис ахлига берган хисоботимдан сўнг кўпчилик жанг киласиз, деган фикрни олдин-га сурди. Эс-хушни жойга кўйиб, шошмасдан иш килиш керак эди. Курол-яроглар бизда жуда кам, бор-йўги 50 кишида бор, холос. Гарнizonda 38 кишимиз, шахар ташкарисида 8 минг чехословак харбий асиirlари бор... Ким билади, уларнинг кайси томонда туриб жанг килишини. Эски шахар бизга нотаниш. Бунинг устига харбийлар орамизда жуда камчилик. Демак, уришишдан фойда йўк. Калъани мудофаага тайёрлаш, Тошкент ва Скобелевдан мадад кутишга карор килдик.

Хохлаймизми, йўкми, биз шундай йўл тутишга мажбур эдик. Бир кишини навбатчиликда колдириб, колганларимиз мудофаа ишлари билан овора бўлдик. Кечаси соат 3 ларда Месхи мени уйготиб: «Йўл берди, Осипов келяпти», деди... Янги сайланган ревком раиси Тошкентга, Колесовга ўзининг сайланганлигини ва Кўконда бўлаётган вокеалар тўгрисида телеграмма берди.

Поезд етиб келди. Мен уларга чой, нон хозирлаб кўйгандим. Аскарлар шовкин кўтариб: «Биз сартларни тинчитиб кўямиз!», деб ховликиб кириб келдилар. Осипов билан унинг кисм замбаракчиси Пономарёв хам келган экан. Яхши куролланган 120 киши ёрдамга келишди. (К. Осипов Скобелевдан 4 замбарак, 5 пулемёт билан келади. У Скобелев харбий дружинасининг командири эди — Ш. Д.) Мен Осипов билан келишиб олдим. Курол-ярогларни сездирмасдан калъага жойлаштиридик. Осиповнинг талаби билан ревком калъанинг доимий вакили сифатида мени ва Николаенкони унинг ихтиёри-га берди. Калъага ёрдам бериш учун Удалов, Беленко, Шишков, Вершинилар хам келишди. Бизга Осипов кўмондонлик килди. Артиллериячиларга Пономарёв бош бўлди. ...Биз мажлис ўтказдик ва Кўкон хукуматига куйидаги мазмунда кескин талабнома беришни келишиб олдик:

1. Эртага кундуз соат учгача курол-ярогларни Воскресенский майдонига олиб келиб топширсин;
2. Мухтор хукумат таслим бўлсин ва Шўро хукумати тан олинсин, — деган талаблар бор эди.

Шундай калтис вазиятда темирйўлчилар орасида интизом бўшлиги сезилиб колди. Улар гоҳ ревком буйругини бажармасди, гоҳо маст-аласт бўлиб дайдиб юрарди.

Темирйўлчилар йигилиш ўтказдилар. Мажлисда мудофаамизнинг нозик томонлари тўгрисида гап-сўзлар бўлди. Хўжанд томондан хужум хавфи борлиги сабабли, Хўжанд кўпригини портлатиш ёки портлатмаслик масаласи кўрилди. Агар кўприк портлатилса, Тош-кентдан бизга нон ва озик-овкат махсулотлари келмай коларди. Бу масалада баҳс анча Кизиди. Николаенко кўприкни портлатмасликни каттик туриб талаб килди. Биз уни Ревком таркибидан чикардик ва Чаплигинни сайладик. Ревком каттик туриб шундай

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

буйрук берди. «Хўжанд кўприги портлатилсин, каршилик кўрсатганлар отиб ташлансин!» Эртасига Биленко ва мен талабномани топширгани бордик. Бизни яна Чўкаев илик кутиб олди, дастурхонга таклиф килиб чой узатди. Биз албатта рад этдик ва унга хат-жилдни бердик. У хатжилдни очиб ўкиди ва бошка нозирларга узатди. Менимча, унинг ёлгиз ўзи бундай саволларни хал этишга ваколати йўқ экан.

Биргаликда соатларимизни тўғриладик ва вактни белгилаб оркага кайтдик. Чўкаев яна бизни эҳтиром билан кузатиб кўйди ва ярим йўлгача сокчи хам берди. Соат 3, шахарда жимжитлик, хеч ким Воскресенский майдонига келиб куролини ташламаяпти. Факат алла айтаётган аёлнинг овози элас-элас кулокка чалинади. Соат 3 яримларда «Проводник» томон замбаракдан бир неча марта ўқ уздиқ. Шахарни вайрон килмасликка карор килдик ва хукуматнинг яна бир кун ўйлаб кўриши учун мухлат бердик.

Калъадаги сокчиларнинг сонини кўпайтириб, уларни сергакликка чакирдик. Умуман, Осипов карбий ишларни яхши йўлга кўйди. Эрталаб Осипов харбий кучларимизни уч гурухга бўлди ва 40 кишини ўзи билан бирга олиб, Эски шахарга муҳтор хукумат вакилларини камокка олиш учун йўл олди. Иккинчи гурух эса хар эктимолга карши калъани кўриклиш учун колди.

Калъа мудофаачиларини асосан темирийўлчилар ва арман дашноклари ташкил киларди. Кейинрок, айтишларича, айрим уйлардан тартибсиз ўқ отилганини хисобга олмаганда, бўлинмамиз шахарга эмин-эркин кириб борибди. Бизнилар хам ўша уйларга карата ўқ узибди ва кичкина куролланган туда билан тўкнашибди. Аскарлар-нинг айтишича, бу жангда форслар алоҳида намуна кўрсатганимиш. Улар билан бўлган биринчи тўкнашувда 5 киши ярадор килинибди, иккинчи тўкнашувда бир киши ўлдирилиб, 2 киши жарохатланибди.

Бўлинмамиз анча вакт хаяллаб колди. Коронгу туша бошлади, улардан эса хамон дарак ўқ. Телефон станциясидан «Биз томонга мусулмон отряди келяпти, нима килай-лик?» деб шошилинч телефон килдилар. Мен уларга «Электрни ажратиб, хамманг уй-уйларингга таркалинглар», деб буйрук бердим.

Монтёр станциядан зарур иш куроллари билан ёнимиэга етиб келди ва калъани станция билан кайта улади.

Кош корайганда отрядимиз хоргин холда кайтиб келди. Муҳтор хукумат имижимида, сездирмасдан жойини алмаштирган экан. Очик хужум килишимиз учун хали кучимиз кам эди. Хужум уюштирмасликка келишдик. Калъа мудофаачилари эса анча чарчаган эди. Иккинчи куни иккала томон хам тинчib колди. Айгокчиларимиз уларнинг айгокчи-сини тутиб олибди. Уни сўрок килганимизда: «Сизларнинг куролларингиз оз. Биламан, мени отиб ташлайсизлар, лекин бизнилар сизни полкингиз билан кириб ташлайди», деб жавоб берди... Калъанинг собик доругаси Зинченко Тошкентдан ёрдам келишини билмасди, хоинлиги туфайли уни ертўлага камаб кўйгандик. Мусулмонлар тунда калъа ва станцияга бир вактда хужум килишга уриниб кўрдилар. 10 минглар атрофида куролсиз оломон ок кийимда калъа томон ёпирилиб кела бошлади. Уларни оркасидан ку-ролланган форслар кувиб келаётганди. Ярим соатлардан кейин бу холат яна такрор-ланди. Хужумни калъа мудофаачилари кайтардилар. Оралиқдаги Пугас кўчасида 30 ов-рўпаликни мусулмонлар бўгизлаб ўлдирибди. Калъага энг якин бўлган Верёвкин станциясидан ёрдам сўрадик. Тезда 80 кишидан иборат Перовский бошчилигига кисм етиб келди.

Кўкон хукумати очик жангда ёнголмасликларига кўзи етиб, бошкacha йўл тута бошлади. Бизга делегация юбориб таслим бўлишни таклиф этишди: «Бизнинг кучимиз хам,

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

куролимиз хам кўп. Казаклар бизга ёрдамга келаяпти. Сизларни кириб ташлашни хам, кон тўкилишини хам хокламаяпмиз». Албатта, биз таклифни рад этдик.

Кўкон хукумати яна делегация юбориб: «Таслим бўлинглар, мухторият таркибида энди уламо ва бойлар йўк», деб айтишди. Музокара кетаётган бир вактда сокчи аскар-лардан бири югурйб келиб, «калъага хужум килишяпти», деб кичкирди. Улар бизни чалгитиб, айёрлик килган эканлар. Имкониятдан фойдаланиб, якинимиздаги бинони керосин куйиб ёкиб юбордилар. Шамол кора тутунни биз томонга хайдай бошлади, тутун орасидан 40 га якин киши яшириниб хужумга ўтди. Ок байрок кўтарган турк зобити кийимидағи бир неча киши шамолдек учиб келарди. Сокчилар уларни отишга улгурдилар. Хужум кайтарилгандан кейин ўлган зобитни тинтиб кўрсак, ёнидан катта портлатиш кувватига эга бўлган 2 бомба топилди. Маълум бўлишича, унга калъа дарво-засини портлатиш топширилган экан. Дарвоза очилгач, асосий пиёда кисмлар калъага ёриб кириши кўзда тутилганини англалидик.

Мусулмонларнинг яна бир айгокчисини тутиб олиб сўрок килдик. Унинг айтишича, М. Чанишевнинг ўзи, тунда калъага хужум бошлаш учун аркондан нарвон ясаб 400 тача кишини тайёрлаётган экан. Тунда ростдан хам хужум бўлди. Биз уни кайтардик. Улар беш мартача делегация юборди. Мухториятчилар куролини ташлаб Шўро хокимиятини тан олмаса, музокара олиб боришдан бош тортишимизни айтдик. Шунда улар станцияга, ревкомга мурожаат килибди ва харбий ишда укувсиз темирийўлчилар билан келишиб олибдилар. Келишувга биноат, «кечаси соат 12 ларда Ўрдадаги (калъада-ги) кўнгирок чалингандা, мусулмонлар калъага кириб намозимизни ўкиб, кейин таслим бўламиз», деб айтибдилар. Осипов ва мен уларнинг бу таклифини рад этдик. ...Ок халат кийган мусулмонлар тўдаси калъа томон ёпирилиб келарди. Улар йўл-йўлакай биноларга ўт кўйиб, хаммаёкни тутунга ботирарди. Мен дашноклар ёрдамида уларнинг хужумини яна бир бор кайтардим. Бунаканги хужумлардан-биз хаддан ташка-ри чарчадик. Калъада озик-овкат етишмовчилиги хам сезила бошлади. Кейинги кун мухториятчилар яна музокара олиб боришни, ярашишни таклиф килишди. Улар тузган делегация таркибининг тенг ярмини оврўпаликлар, колганини ерли халк вакиллари ташкил этарди. Биз яна музокара олиб боришга рози бўлдик.

Чунки Тошкентдан ёрдам кутаётган эдик. Музокаралар «Рус-Осиё» банки биносида ўтказилди. Ярашиш битимини ўтказишга келишиб олдик. Лекин мухториятчилар Янги шахарга ўқ узишдан ўзини тия олмади. Музокараларни калъага якинрок жойда ўтка-зилишини каттик туриб талаб килдик ва бунга эришдик хам. Музокаралар давомида мухтор хукумат томонидан, кўринишидан оврўпалик зобитлардан бўлса керак, рус тилида эркин гапираварди. У «хамма ran харбий гурухда, шахсан Чанишев ерли халк устидан диктатура ўрнатмокчи. Чанишев хибсга олинмас экан, хеч кандай музока-радан наф чикмайди. Яраш битими имзоланаётган бўлишидан катъий назар, уларнинг хужум килиб колмаслигига хеч ким кафолат беролмайди. Агар шундай холат рўй берса, бизнинг хаётимиз гаровга тикилиб колиши мумкин», деди ва Чанишевни кўллаб-кувватловчилар орасида Шўро хукуматининг ашаддий душмани саналган Мулла Бой борлигини хам алоҳида таъкидлади.

Музокаранинг иккинчи куни делегациямиз кайтиб келди. Эргаш ўзини хон деб эълон килибди. У бўйсунмаётганларни отиб ташлаётган эмиш. Калъага Гушин кириб келди ва «хеч канака жиддий харакат килинмасин, эрталаб Перфильев Тошкентдан етиб келади. Казаклар куролсизлантирилди», деди. Биз Кўкон мухторияти делегацияси билан

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

ўтаётган музокара вактини турли баҳоналар билан чўза бошладик. Эрталаб Е. Перфильев отряди билан етиб келди (подшо армиясининг 28 ёшли собик по-ручиги, Туркистон ўлкасининг харбий комиссари — Ш. Д.). Ва шу куниёк Эски ша-харни ёндирувчи снарядлар билан тўпга тутди. Менимча, бундай килишнинг сира харбий зарурати йўқ эди.

Эски шахарда даҳшатли талон-торож ва ёнгин бошланди. Саросимага тушган Эски шахар ахолиси орка-олдига карамасдан, уйлари ва кимматбаҳо молу мулкла-рини ташлаб жонхолатда дуч келган томонга коча бошлади. Талон-торожликдай гуноҳ ишлардан аскарларни тўхтатиб коломмадик. Отиш ва ёнгинда кўплаб бегуноҳ кишилар халок бўлди. Шахар хувиллаб колди. Колган-кутган ахоли ёрдамга муҳтоҷ эди. Биз улар учун ошхоналар ташкил этдик.

Махаллий буржуйлардан Потеляхов, Вадяев ва бошкалар ишчиларга пул бериш-дан бош тортибди. Уларни камокка олиб, ишчиларга пул олиб келиш учун Тошкент-га жўнадик.

Муҳтор хукумат тор-мор этилгандан сўнг беш мартаҳа кенгаш чакир-дик, факат еттинчи куни йигилишга улгурдик. (Чунки, кизил гвардиячилар ўртасида тартибсизликлар хукмрон бўлиб, «голиб»лар етти кунгача талон-торож билан шугулланган эди — Ш. Д.) Мажлисдан ревкомни кўркокликда айблаб суд килдик. Ба-бушкин мажлисда сўзга чикиб: «Ревком энг оғир кунда яширинди, кўркоклик кил-ди», деб айлади.

Икки марта сайлов ўтказдик, иккинчисида большовойлар кўпроқ овоз олди.

Осиповни байрамона тарзда, мушаклар отиб кузатиб кўйдик. Дарвоке, кимдир унга сункасад килиб ўқ узди, лекин ўқ тегмади. Е. Перфильев хам улар билан бирга Тошкентга жўнаб кетди».

Куйидаги лавҳа хам (муаллифини аниклай олмадик) Кўконни конга ботиришда фаоллик кўрсатган кизил гвардиями каламига мансубдир.

«...Бизнинг харбий кисмимиз отишмалар остида Кўкон вокзалига кириб борди ва...

душман томонидан фаолрок харбий харакат бошланишини кутдик... Мана

«Му-сулмонлар Харбий Шўроси» ва «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» томонидан бизга таклиф этилган кескин талаб шартлари:

1. Ишчи, деккон ва аскар Кўкон Шўроси мусулмон депутатлари, ишчи, аскар депутатлари Кенгаши ва «Городской самоуправление» идораларидан бирлашган хукумат тузиш:

Ишчи, дехкон ўлка Шўроси ва мусулмон жангчиларидан 2 киши; «Шўрои ислом» жамоасидан 2 киши; «Уламо жамияти»дан 2 киши; «Городской самоуправление»дан 2 киши;

Ишчи, дехкон ва аскар депутатлари кенгашининг 4 та вакилидан иборат хукумат тузиш.

2. Кўкон шахар калъаси мазкур унитар (манфаатдор) хукуматнинг бевосита назорати остига берилсин.

3. Кизил гвардиячилар куролсизлантирилсин.

4. Мусулмон ахолиси куролсизлантирилсин (милиция бундам истисно).

5. Ишчи, аскар ва мусулмон дехконларининг бевосита назорати остида миллий харбий кисм ташкил этилсин.

6. Мусулмон депутатлари Кенгаши ва Халк Комиссарлари Совети биргаликда, зудлик билан Туркистон таъсис мажлисини чакирсин.

7. Иккала томон хам, биродаркушлиқ воқеаларини кузатмасин ва унда иштирок этмасин.

8. Иккала томон хам ўлганлар ва ярадор бўлганлар учун гина саклаб, адватда

бўлмасин.

9. Халк Комиссарлари томонидан тузилган йўл-йўриклар Шариат конунларига зид келса, мусулмонлар у йўл-йўрикларга амал килмайди.

10. Шартномага имзо кўйилган захоти иккала томон хам бандиларни озод этсин.

11. Ахолидан тортиб олинган молу мулклар мумкин кадар ўз эгаларига кайтарилсин. Ярашув конференцияси Раиси номига. Музокара олиб бориш учун «Рус-Осиё» банки ёнига келасизлар. У ердан сизларни мусулмон сокчилари Русия мех, монхонасига-ча кузатиб боришади. Музокара «Канишка» дўконида ўтказилади. Музокара пайтида иккала томон хам ўқ отишни тўхтатиб туришлари шарт. Жавобини кундуз соат 4 гача кутамиз.

Кўкон шахри, 16 февраль, 1918 йил. «Вакдинчалик Мусулмон харбий Кенгаши Раислигини бажарувчи (имзо)».

Калъадагилар талабнома шартларига тўпдан Эски шахар устига ўқ отиш билан жавоб берди. Талабнома шартлари кабул килинмаганини сезган Эски шахар мусулмон мутаассиблари шахардаги оврўпалик ахолини бўгизлашга киришиб кетдилар. Яна мусулмон делегацияси келди ва шахарни ўкка тутиш тўхтатилмаса, ўзаро душманлик бутун ўлкага ёйилиб кетиши мумкинлигини айтдилар. «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тинчликка эришиш учун бошка чора-тадбирлар кидирмокда, деди.

Делегацияга «биз сизлар билан урушишдан кўркмаймиз», деб жавоб бердик. Шахарни яна замбаракдан ўкка тутдик. Натижада мусулмон кисмлари Скobelев томон-га коча бошлади. Шахардаги бадавлат рус кишилари хам улар билан бирга эди.

...Эски шахар аланга ичидаги колди. Учта харбий юришда демократия ва социализм душманлари билан қаҳрамонларча жанг килган кизил гвардиячилар ўзгалар молу мулкини талон-торож килишдан ўзини тийиб туролмади».

Учта харбий юришда «қаҳрамонлик» кўрсатган куролли инкилобчилар Кўконда ўзгалар молу мулкини талон-торож килдилар. Бу хам етмагандай арман дашноклари билан хамкорликда Фаргона водийси халки бошига тарих кўрмаган вахшийликларни солдилар. «1918 йилнинг 19—26 январида Тошкентда бўлиб ўтган «Туркистон ўлка Советлари»нинг IV съезди Кўкон мухторияти ва хукумат аъзоларини конундан ташкари, деб жория этди, хукумат аъзоларини хибсга олиш хакида карор кабул килди». Ана шу карорга биноан Кўкон конга ботирилди. Мухтор хукуматнинг 30 вакили (хукуматга алоказор бўлган шахслар) камокка олинди. Айримлари кўлга тушган захотиёк судсиз отиб ташланди. Хукумат бошлиги М. Чўкаев Фаргонага, Фаргонадан Кашкарга кочиб кетишига мажбур бўлди. Шахар бир неча кун олов ичидаги колди. «Ўт очиш окибатида 1000 дан ортик дўкон ва дўкончалар вайрон этилди. 1500 киши ўлдирилди». «Кўкон хукумати тор-мор келтирилгандан сўнг дашноклар гурухи Шўро дружинаси байробги остида шахарни 9 кун талади. Кўкон касалхонасида даволанаётган бемор ва ярадорлар-ни биноси билан бирга ёкиб юборди. Кўкон пахта тозалаш заводи ишчиларининг 50 таси оиласи билан пичоклаб ўлдирилган». Шакар (Кўкон)нинг 10 маҳалласида сўйилмаган одам колмади. Киска вактда 10 минг кишининг ёстиги куриди. Дашноклар вахшийларча одамларнинг кўли, оёгини чопди, аёлларнинг эса кўкрагини кесди. Болаларни эса жоду (беда киркадиган асбоб)дан ўтказдилар». Перфильев Тошкентга кетганидан сўнг даш-нокларнинг бир кисми калъя химоячиси сифатида колдирилган эди. Дашноклар

1915 йилги турк-арман киргинидан к.очиб, Туркистондан панох топгандилар. 1919 йилнинг май ойида Дашнокцутюн партияси Коминтерндан чикарилади ва куролсизлантирилади.

Кўкон партия дружинасининг собик взвод командири Усмон Алиев куйидагича ёзади: «Хал килувчи февраль кунларида дашноклар дўконларни талади, Потеляхов идорасини ёқди. Шахар роппа-роса бир ой ёнди. Оқибатда очарчилик бошланди». Фаргонадаги биродаркушликнинг фаол катнашчиси Матковул Матфозиловнинг ёзиши-ча, «Сўл эсерлар, дашноклар ва бошкалар Кўкон Шўросига кириб олиб, яширин равишда хоинлик сиёсатини олиб бордилар. Бу партияларнинг маҳсус куролланган бўлинмаси босмачиларга карши кураш никоби остида ерлиларга нисбатан вакшийлик килди, зўр-лади ва молу мулкини талон-торож килди». Дашибондига куролли инкилобчи-лар Сузок, Бозоркўргон ахолисини киргинга гирифтор этди.

Киска вактда рўй берган вайронагарчилик, талон-торож ва вахшийликлар бутун Туркистонга ёйилди. Инсоний хукуки, эътиқоди, орияти топталган халк кўзгалди. Ва бу холат халк харакатига, халкнинг оммавий каршилик харакатига, ўзига хос йўсиидаги халк норозилигига ва кўзголонга айланиб кетди. Биз, бу миллий озодлик ва каршилик харакатини босмачилик харакати, даврни эса босмачилик даври деб атадик.

Кўкон фожиаси турли хил сиёсий партиялар ва гурухлар ичida жиддий норозиликлар келтириб чиқарди ва соғ виждонли кишиларни оёкка тургазди. Бу фожиадан жабрланган халкнинг касоскорлик руҳида тарбияланган мард ўғлонлари аллакачон хулоса чиқарганди. Тошкент шахар Советининг 1919 йил 23 февралидаги йигинида «Кўкон воқеаларига дойр ва социалистик армия» деган масала мухокама килинади, Унда Кўконда содир этилган фожиаларга сиёсий баҳо беришга, тўғрироги хаспўшлашга уринишлар бўлади. Шу ўринда ана шу мажлис маълумотномасидан парчалар келти-ришни лозим топдик, (Чунки унда аждодларимизнинг кизил гвардиячилар томонидан канчалик вахшийларча ўлдирилгани ва демократик кучларнинг фожиаларни холис баҳолаши канчалик каршиликка учрагани аён бўлади.)

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиги ўрток ВАЙНШТЕЙН (мажлисни очик ўтказишни талаб килади ва кўрилаётган масаланинг ахамиятига тўхталиб, куйидагича фикр билдиради): «Кўрилаётган масалага хар томонлама сиёсий баҳо бериш бизни жуда кизикдиради, айникса жанговар бўлинманинг жанг пайтида ва жангдан кейинги хулк-атвори, зиммасига юкланган топширикка муносабати ва уни кандай бажарганлигини билишимиз лозим. Бу масалалар нафакат бизни, балки бутун жамиятимизни, инкилобий демократияни, хар кандай маҳфий сиёсатдан, сирли шартномалардан устун турадиган хакикатни халк оммаси билиб кўйиши керак.

Шубҳали ва кайгули колат рўй бермаслиги учун мазкур масала очик мухокама этилиши лозим. Кўнгилсиз ходиса рўй бермаган бўпса, жуда яхши, кимлардандир кўркадиган, яширадиган нарсамиз йўқ. Агарда демократияга, инкилобга дод туширадиган хатти-харакат содир этилган бўлса, у бизнинг ярамиз ва жарохатимиз деб кабул килишимиз керак. У газак олиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Мабодо демократия учун шармандали воқеа рўй берган бўлса, масалани очик мухокама этиб, айбмизини тан олиб, уни ювишимиз лозим.

Е. ПЕРФИЛЬЕВ: Январь ва февраль ойида учта юриш килишга тўғри келди. Бу учала юриш бир-бири билан узвий bogланган. Биз атаман Дутов билан жанг килаётганимизда, унинг Зайцев ва муҳтор хукумат билан алокада бўлганлигини тасдикловчи

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

маълумотларга эга эдик.

Оренбург учун жанг килаётганимизда Кўконда кўзголон кўтарилиши керак экан. Айни вактда, казаклар Эрондан Ўрта Осиё томон силжимокда эди. Улар бирлашиб, Шўро хокимиятини агдармокчи эдилар.

Халк оммаси Кўкондаги мухториятни кўллаб-кувватламади. Биз ўз вактида душманни Оренбургда тор-мор келтириб, Шўролар хокимиятини ўрнатдик ва Ўр-та Осиё томонга йўл олдик. Самарканд остонасида казакларга зарба бердик ва уларни тинчитдик.

Казакларни кўзголонга ундаган 200 тача киши шармандаларча кочиб колди.

Кўконда эса, ерли халкнинг куролли бандаси калъага хужум килибди, талабнома топширибди ва. таслим бўлишни, куролларни топширишни, кизил гвардиячиларни куролсизлайтиришни талаб килаётган экан. Биз Кўконнинг Янги шахар кисмida рус ахолисини ерли бандитлар бўгизлаб ўлдирмоқдалар, деган хабар олдик. Бизнинг поездимиз йўл-йўлакай, йўлда учраган хар кандай калакги-касангиilarни ўкка тутиб борди. Шахар калъаси халича кўлдан кетган йўк экан.

...Исёнчилар орасида яхши куролланган 250 тача форс бўлиб, хукумат уларга хар куни 25 сўм пул бериб турар экан. (Мухтор хукуматнинг хазинаси бўш бўлган, 60 миллион сўмлик заём чикариб уни хам сотолмаган—Ш.Д.) Куролланган арман дашнокпари шахарда жойлашган бўлиб, форслар билан душманлик кайфиятида эди. Улар калъа ва вокзал ўртасидаги алокани ушлаб турарди.

Эрталаб, Хўжанд кўчаси бўйлаб 2000 тача ерлилар шахар томон бостириб келаяпти, деган хабарни олдим. Олдинда куролланган пиёдалар, уларнинг изидан болта, теша, ўрок, кетмон ва калтак билан куролланган одамлар, улар оркасидан куролланган отлиц-лар ярим халка бўлиб, куролсиз оломонни биз томонга зўрлаб, олдига солиб кувиб келарди. Наманган йўли бўйлаб хам, худди шундай гурух бостириб келмоқда эди.

Отрядимиз 12 та артиллерия пушкасидан уларга карата ўт оча бошлади. Исёнчиларнинг катта кисми мачитга яширинишди. Менимча, улар мачитни тўпдан сакланадиган паноҳ деб тасаввур килгандилар. Мачитни харбий истехком сифатида шахар калъаси билан таккослаганда жуда катта фарқ килади. Масjidга карата бир неча маротаба ўқ уздик. Гурухимиз ўз вазифасини бажармади. Чунки гурухимиз ёнгин чикариб шахар ва ахолига катта зарар етказди. Виз шакардаги хокимиятни йўк килиб ташладик. Шахардаги эски хукумат рус кишиларининг хаётини саклаб колишга кафолат беролмасди.

Мачитларни яна бир неча маротаба тўпдан ўкка тутишга тўгри келди. Кизил гвар-диячилар бўгизланган оврўпаликларнинг жасадларини кўрганда шундай тутакиб кетди-ларки, уларни хеч кандай куч тўхтатиб кололмасди, аскарлар олдиларидан чиккан хамма нарсани яксон цилиб кетавердилар. Хатто шундай холат рўй бердики, 5 та киэил гвардиячи ерли бандитлернинг 200 тасини олдига солиб кувлади (цуролсиз оломонни—Ш.Д.). Отряд катта какрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта хам кўркоги йўк эди. Биз кийинчилик билан тошкўприкни кўлга киритдик ва Эски шахарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар кимматбахо буюмларини, пулларини ўзлари билан олиб кочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. Кочаётгандарни тезотар тўпдан ўқ узиб, янчиб ташладик, бир кисмини эса оркага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиклари, гиламлари, кимматбахо нарсалари йўлда сочилиб колди.

Туркистон мухтор хукумати деб аталган хукумат, биз боргунга кадар таркаб кетган экан. Унинг ўрнига «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тузилиб, мохиятан олдинги хукуматдан хеч кандай фаркланмасди, факатгина номи ўзгача эди, холос. «Ўлка

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

мусулмон депутатлари Шўроси» вакилининг айтишича, бизлар уларни ўкка тутганимиз сабабли мусулмонлар бизга карши миллий уруш эълон килган эмиш. Мен уларга: «Биз урушдан кўркмаймиз», деб жавоб бердим. Гурухимиз Эски шахар устига яна 9 марта замбаракдан ўқ узди... Шундан сўнг ок байрок кўтариб мусулмон делегациялари келавердилар. Улар «Биз айбдор эмасмиз, у тўдалардан ўзимиз хам катта зарар кўряпмиз, конли тўкнашувларга улар айбдор, ўқ отишни тўхтатинглар», деб илтимос килдилар. Гурухимиз кочган тўдаларни изидан кувиб етиб тор-мор келтириши керак эди, лекин гурухимиз ва дашноклар шахарни талон-торож килишга берилиб кетишиди. Шунинг учун хам гурухни бошка кучлар билан алмаштириш зарурияти тугилди.

Хозир Кўкон кандай ахволда, у ерда нималар бўляпти? Кўконнинг Эски шахар кисми тамомила вайрон этилган. Янги шахар мавзеига заар етказилмаган. Шахардаги бадавлат рус кишилари хам шахарни ташлаб кочиб кетган. Шахарда катта озик-овкат эахиралари, банкида эса олтин ва кумуш пуллардан анчагина бор...

Биз зиммамиздаги ишларни якунлаган эмасмиз. Омон колган бандитлар ўлканинг бошка худудларида кўзгопон кўтаришга уриниб кўрмокда. Оврўпаликларга карши ерли халкни кайраб, миллатчилик руҳида ташвикот олиб бормокдалар.

...Биз шахарда Пономарёв ва Белов бошлигига шахар куролли мудофаасини туздик. Олдимизда фитначиларнинг асл киёфасини фош этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Душманларимиз кундан-кунга хушёр тортмокдалар. Аскарлар уй-уйларига таркаб кетмокдалар. Бизнинг ихтиёrimизда замбараклар, снарядлар, ўқ-дорилар истаганча бор, лекин одамларимиз кундан-кунга камайиб бормокда. Шунинг учун тезлик билан, киска муддат ичиде социалистик армия тузиш зарурияти яккол сезилиб колди. Мен маърузамни тугатар эканман, шуни алохида таъкидламокчиман: мен урушда бўлганман, кўплаб жанговар тўкнашувларда катнашганман, лекин кизил гвардиячиларимизнинг Кўконда кўрсатган какрамонликларини, мардлигини халигача кўрмаган эдим.

Агар ўзгалар молу мулкини талон-торож килишдек шармандали холат рўй бермаганида, гурухимиз ўзининг инкилобий вазифасини сидкидилдан аъло даражада бажарди, деб айтган бўлар эдим.

ВАЙНШТЕЙН: хисоботдан шуни англадимки, гурух бошлиги ўрток Перфильев маърузаси юзасидан бирор жўяли фикр айтишим кийин. Унинг маърузасида киши хиссиё-тини китиклайдиган ва ташвикотнома сўзлар анчагина. Лекин Кўконда рўй берган фо-жиали воеалар тўгрисида далиллар жуда оз келтирилди. Бизни Оренбург ва Самарканд эмас, айнан Кўкон воеалари кизикириди.

Кизик, синфий кураш номи билан кўтарилган инкилобий байрогимиз каерда колди? Руслар ва сартлар, арманилар ва форсларнинг ўзаро миллий келишмовчиликлари хакидаги гаплар, мусулмонлардан кандай килиб химояланишимиз лойихаси тўгрисидаги фикрлар кулокка чалинмокда. Биз синфий кураш ўрнига, миллий кураш олиб бораяпмиз. Бу ахволни, шубхасиз, табиий хол деб хисоблай олмаймиз. Лекин у мантикан тўла, Советларнинг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати окибатидир.

Ўлкада мусулмонлар хохиш-иродаси билан хисоблашмай туриб социализм куришга интилмокда. Ўрток Перфильев меҳнаткаш мусулмон оммаси мухториятни хохламади, кўллаб-кувватламади, деб таъкидлаб ўтди. Ўрток Перфильевнинг ўз фикрини исботлашга асоси борми? Унинг асоси шундаки, кайсики мусулмонлар тўпдан ўкка тутилгандан кейингина ўзларини бўйсунишга тайёр эканликларини билдирганини назарда тутаётган бўлса керак.

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Ерли халк Куропаткинга ўзларининг итоатгўйлигини ўшандай усуллардан кейингина билдиримаганмиди? Ўрток Куропаткин (Туркистоннинг сўнги генерал-губернатори 1914—1917 й.—Ш. Д.) кўллаган усуллар билан ёндашмокни мулохаза киляпти (залдан ола-говур кўтарилди, «Йўкол бу ердан!»).

Маърузада биз факат миллий киргингларни кўраяпмиз: уни социализмнинг ёвуз душмани бўлмиш подшо монархияси ва хукумати кўллаб-куватлаган эди.

Кайси социалист бунга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб чикиб кетасиз-ми? Агар бу ерли халкнинг хокиш-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўгрида гапирадиган бўлса, сизлар дарров унинг овозини ўчирасизлар. Йўц, сизлар социалист эмас, ўша империалист, ўша истилочисизлар (залда шовкин, «Йўкол ярамас!» деган овоз янгради).

...Катор шахарлар ўз холига ташлаб кўйилган. Мана, биз интернационализм гояла-рини, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва халкар биродарлик гояларини хаётга кандай тадбик килаяпмиз.

Биз Германия пролетариатини немис империалистлари билан курашда ёрдамга чакирайпмиз, лекин ўзимиз (аскарларни—Ш. Д.) бир иркдан иккинчи иркнинг устунли-гини тан олиш кайфиятида тарбияляпмиз. Нима учун Германия бизга: «Сизлар Туркис-тонда сартларни топтагандай биз сизларни янчиб ташлаймиз», деб айтмайди.

Бошка-лар хурматига сазовор бўлиш учун, бошкаларни хам хурмат килиш керак.

Ўрток Перфильев хиссийтимизни кўзгаб ундан фойдаланмокчи... Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган вокеани тафтиш килиб, ўрганиб чикувчи комиссия тузишни, инкилобнинг кизил байрогига кимки дод туширган бўлса, оддий гвардиячидан тортиб, отряд командиригача хамма-хаммасини катъий жавобгар-ликка тортишни талаб киламиз.

Биз учун айрим кишиларнинг шухрати эмас, демократиянинг виждони ва тутган йўли ахамиятлидир. Инкилобий демократия байрогидан бу додни ювиб ташлаш керак.

Айборлар конун олдида жавоб беришлари лозим.

Раислик килувчи И. О. ТОБОЛИН: Кўкон вокеалари тўгрисидаги маърузани интернационалистлар фракциясининг вакили ташвикотнома маъруза деб атади. Лекин мен танкид килаётган кишининг маърузасини ташвикотона нутк деб атайман. Катта йиги-лишга тўгри келмайдиган гап-сўзларни килмокда. Интернационалистлар фракциясининг канча аъзоси аксилинилобчилар билан бўлган жангда халокатга учради? Аъзола-рингизнинг канчаси жангда иштирок этди? Майли, биз улардан хеч нарсани, дам олишни хам, уйкуни хам, хаётни хам аямаймиз. Бу партияга (фракцияга) факат танкидингиз-ни чўнталингизга солиб куйинг дейман, танкидни сизлардек тафтиш комиссиясида ўтиромокчи бўлаётган кўркоклар эмас, ишни амалга оширганларнинг ўзлари киладилар. Менимча, уларнинг ўзлари айбланувчилар курсисида ўтириб, суд олдида жавоб беришлари керак.

Маърузачи социалистик хукумат кандай килиб бундай шафкатсизликларга йўл кўйди, деб савол бераяпти. Мен унга хозир пролетариат диктатураси даврида, ким кимни енгиши хал бўлаётганда шафкатсизларча кураш бўлиши табиий бир хол, деб жавоб берар эдим. Кизил гвардиячилар ўзаро жангларда бундан хам каттик шафкат-сизликларни намоён килди. Умуман, бундай дакикаларда, бундайин курашда шафкат-сизлик хакида гапириш жудаям кулгули бир хол. Интернационалистлар партияси ваки-личинг айтишича, маъруза хеч нарса бермаган эмиш, лекин биз ундан кўп нарсаларни билиб олдик ва хулоса чикардик.

...Кўконда марказдан узилиб, хаётимиз хавф остида колганида хам, инкилобнинг

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

такдири кил устида турганида хам, ўз карорларимизни хаётга тадбик килаверамиз. Тўгри, айрим шахсларнинг жиной харакатлари тўгрисида тўхталиб ўтмок керак, лекин бутун бошли кизил гвардия юзига кора чалпишга йўл кўймаймиз. Бизнинг оиласвий хаётимизга сукилишга хаккингиз йўк. Демократлар орасида сизларга ўрин йўк. Ярат-ганга шукурким, ўлкани танг ахволдан саклаб колувчи кизил гвардиячилар ўз вактида харакат килишга улгурди... Ўрток Перфильев оғир ахволдагиларга ёрдам беришга умидсизлии билан карамоқда. Менга эса умидли бўлишга рухсат бергайсизлар. ...Социалистик армиядан ташкари бизнинг ихтиёrimизда, Шўро хокимияти душ-манларини янчиб, йўк килиб ташлайдиган, ишчи ва дехконлар хокимиятига карши кучларга карши шафкатсиз кураш олиб борадиган кизил гвардия хам бор.

...Интернационалистлар фракциясини рус инкилобининг вайсаки сиёсатбозлари деб аташ мумкин. Жангдан сўнг ўзгалар молу мулкини талон-торож килиш, шубхасиз, шармандали хол, лекин биз бу воеага психологик нуктаи назардан ёндашишимиз мумкин. Тарихдан маълумки, шунчалик катта оломон билан жангчилар тўкнашганда талон-торож бўлиши табиий бир хол, факатгина талон-торожнинг хажми ва кандай бўлганлиги билан фарқ килади, холос. Бу албатта ёвузлик.

Шу кунгача Русиянинг камма йирик шахарларида тўнтариш вайрон килиш йўли билан амалга оширилди. Биз Коровиченко (Туркистон Вактли хукуматининг харбий вазири) устидан галаба козонганимизда талон-торож деярли содир бўлмади. Инки-лобнинг илгор кизил гвардиячи гурухлари байрогида дог бўлмаслиги лозим, тушган додни эса, албатта ювиш керак.

Талон-торож ва бебошликини тан олиб, айборларни ўзларининг ижтимоий-сиёсий ташкилотларида, харбий кисмларида, гурухларида суд килинишини таклиф киламан. Ўрток ВАЙНШТЕИН интернационалистлар фракцияси номидан «Кўкон воеаси» тўгрисидаги карорни мажлис ахлига ўкиб эшиттиради. Интернационалистлар фракцияси аъзолари номидан, кабул килинадиган карорда куйидагилар акс этишини лозим деб хисоблайман: Инкилобий карбий кисмлар томонидан содир этилган талон-торож ва бебошилик, инкилоб демократияси байрогига дог бўлиб тушганлиги тан олинсин. Кўкон воеалари яхши ёритилмади, деб хисоблансин. Факат воеа содир этилган жойнинг ўзида текширилган тактирдагина хакикат юзага чикади. Шунинг учун демократик комиссия тузилсин, айборлар аниклансин, инкилобий суд олдида жавоб берсин ва жазога тортилсин.

Раислик килувчи ўрток ТОБОЛИН меньшевик-интернационалистлар фракцияси томонидан таклиф килинган карорларни расмий равишда кабул кила олмаслигини эълон килди, сабабини таклифлар ёзма равишда берилмади деб кўрсатди. Ва мажлис ахли меньшевик интернационалистлар фракцияси томонидан килинган таклифларни рад этди.

Сўнгра большовилар резолюцияси ўкиб эшиттирилди ва 75 делегат розилиги (17 делегат карши овоз берди) билан большовилар карори кабул килинди».

Кўконда рўй берган февраль воеалари хамон бизга коронгилигича цолмоқда. Айрим манбаларда, 18 февраль куни Эргаш томонидан хокимият тўнтариши амалга оширилганлиги таъкидланади. Менимча, хеч ким, хеч кандай тўнтаришни амалга оширмаган. Чунки тахликали февраль кунларида Кўконда хам, муҳтор хукумат ичидаги хам, ягона хокимият кучи йўк эди. Кўконнинг амалдаги хацикий эгаси, Кўкон шахар милициясининг бошлиги Эргаш эди.

Кадимдан колган ва цомусларда ёзилмаган хаётий бир конун бор. Лашкар кимнинг

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

кўлида бўлса, хокимият хам ўшанинг кўлида бўлади (албатта, демократия институтлари ривожланмаган жамиятда). Олий лавозимга М. Чўкаев сайланган бўлса-да, мухтор хукумат суюнган армия Эргаш кўлида эди. Шу ўринда Эргаш шахсига кискача тўхталиб ўтсак. У долгали замонда иккита Эргаш яшаб ўтди. Катта Эргаш подшо замонида та-лончилик ва ўгрилик килгани учун 20 йиллик Сибирь сургунига хукм килинганди. Дар-ҳакикат, подшонинг Туркистандаги маъмурлари Бобонни хам, Номозни хам ўгри, талойчи деб атаганди. Февраль озодлиги туфайли 1917 йилнинг сентябрида Эргаш сургундан кайтиб келади. Ва у Шўро хукумати Кўкон шахар милицияси бошлиги лаво-зимига тайинланади. 1918 йилнинг бошларига келиб Эргаш ва унинг ёрдамчиси Хамдам ихтиёрида 1700 дан ортик куролли йигит бор эди.

1918 йилнинг март ойида Кўкон ёнидаги Бачир кишлогида кўрбошилар йигини бўлиб ўтади. Унга 40 дан ортик кўрбошилар катнашиб Эргашни «Амир ул-муслим» (Мусулмон кўшинининг бошлиги) этиб сайлайди. Ўринбосарликка Мадаминбек ва кичик Эргаш сайланади. Катта Эргаш 1918 йилнинг ёзида Маргилон шахри ёнидаги жангда халок бўлади. Кичик Эргаш эса, 1920 йили Кўконда маглубиятга учраганидан сўнг сиёсий фаолиятдан четлашиб кетади.

Мухторият тузиш гояси тарихимиизда ўз эркини кўлга олмокчи бўлган, миллий демократик давлат тузишни ният килган ва унда хур яшашни орзу этган юкори катлам-даги бир гурух ватанпарварлар ташаббуси эди. Туркистан мухторияти хам, Париж коммунаси каби бор-йўги 72 кун яшади. Туркистан миллий савдо-саноат буржуазияси мухториятнинг асосчиси ва харакатнинг йўлбошчиси бўлди. Демократик кайфиятдаги миллий мусулмон зиёлилари эса, унинг таргиботчиси ва собит курашчисига айланди. Туркистан тақдири учун, миллий истиклол учун, эрк ва хурлик учун ВАТАН туйгусидек муқаддас туйгу калбининг тўридан жой олган миллатпарвар зиёлилар курашганди холос. Улар Тошкентда козок тилида «Бирлик тўғи», ўзбек тилида «Эл байроби», «Улуг Туркистан», «Хуррият», рус тилида «Свободная Туркестан» газеталарини озодлик гояларини тарғиб килувчи минбарга айлантирганди.

Мухторият хукумати молиявий жихатдан никоятда оғир ахволда эди. Турк шўронинг буйруги билан 1917 йилнинг декабридаёк Кўкондаги банклар пулини П. Г. Полторацкий шўро хукумати ихтиёрига олиб кетганди. Пулсиз колган мухториятчилар 60 миллион сўмлик заём чикардилар. Лекин бир бурда нонга зор халк заёмларни деярли сотиб олмади. Хукуматни киска вактда молиявий жихатдан оёкка тургазиш вазифаси долзарб масалалигича колаверди.

Хукумат харбий кучга хам эга эмас эди. Киска муддатда, жангавор куролли инки-лобчиларга тенг келадиган харбий кучни йигишнинг умуман имкони йўқ эди. «Кўкон кукумати харбий кучга муҳтоҷ эди», деб ёзади Турор Рискулов 1925 йили чоп этилган «Инкилоб ва Туркистаннинг ерли халклари» рисоласида. Хукумат Эргаш тўдасига сую-нишга мажбур бўлади, чунки, Кўкон воқеаларигача Эргаш гурухи Туркистандаги ягона куролли гурух эди.

Инкилоб арафасида Туркистанда бир нечта ижтимоий катламлар мавжуд бўлиб, уларнинг дунёкараши хам, жамиятда тутган ўринлари хам, манфаат ва максадлари хам турлича эди. Амалда Туркистанни инкилобгacha агдарилган подшо тузумининг собик амалдорлари, помешчик ва дворянлар бошкариб келди. Уларнинг кўпчилиги подшо армиясининг собик харбий хизматчилари эди. Чунки, Туркистан харбийлар кўлида бўлиб, хокимиятни хам харбий усуlda, харбийлар бошкарарди.

Иккинчи ижтимоий катламни Русиянинг очкўз буржуйлари ташкил этиб, улар

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Туркестондаги эскича ишлаб чикаришни синдириш, лекин Туркестонни мустамлака, хеч бўлмаганда ярим мустамлака холда саклаб колиш тарафдори эдилар. Айни пайтда улар хам Туркестон хом ашёсидан ажралиб колишдан ўлгудек кўркарди.

Учинчи ижтиомий катламни эндиғина шакланаётган миллий савдо-саноат буржуй-лари ташкил кнларди. Улар миллий маблаг ўсишини, Туркестон ва Русия муносабатла-рини тубдан ўзгартиришни, иложини топса хокимиятни ўзлари бошкаришни орзу ки-ларди. Ўз навбатида, уларни хам ўнг ва сўлга ажратиш мумкин эди. Ўнгларга ерли яхудий буржуйлари мансуб бўлиб, нозик масалаларда иккиланиб турарди. Бу сираға Фаргонада Потеляхов, Вадяев, Давидов, Самарканда Фузайлар ва бошкалар мансуб эди. Сўлларга эса туркий халклар ичидан чиккан махаллий бўржуйлар—Миркомилбой, Убайдуллаҳўжа, Мўминбой ва бошкаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи гурухга ислом уламолари ва «мусулмон мутаассиблари» мансубдир. Уларни хам ўз навбатида икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга Бехбудий, Мунавваркори сингари миллатпарвар, айни пайтда байналминалчи, ислом илмининг билимдон уламоларини киритсак, иккинчи гурухга реакцион кайфиятдаги ислом динини ўзига никоб килиб олган хурофотчилар мансубдир.

Ва нихоят бешинчи катламга куйи табака вакиллари—ўртахол ва камбагал дехконлар, ишчилар киради. Учинчи, тўртинчи катлам вакиллари орасидан демократик кайфи-ятдаги мусулмон зиёлилари гурухи ажралиб чикиб, ўз такдирини халк такдири билан бирга бoggади. Улар ерли халк фарзандлари учун жадид мактаблари очиб, миллий маданиятни кўтариш, хурликда яшаш тарафдори эдилар. Уларга рус зиёлиларининг тараккийпарвар кисми хайрихox бўлди.

Туркестон ўлкасида Октябрь тўнтаришида етакчи ўрин тутган «онгли ва уюшган, инкилобий синф» бўлмиш, ишчилар синфи кам сонли эди. Борлари хам юкоридаги таърифга нолойик эди. (Инкилоб арафасида Туркестонда 21 минг атрофида ишчи бор эди.) Империя марказидан кўчириб келтирилган дехконлар каби ишчиларга хам, ма-халлий ишчи кадрларга нисбатан кўшимча имтиёзлар белгиланганди. Пахта заводида ва бошка корхоналарда ишлайдиган рус ишчисига тўланадиган хак ўзбек ишчисига тўла-надиган хакдан икки баробар кўп эди. Масалан: Кизилкия кумир конида «сартларга бир ойда 15—17 сўм, рус ишчиларига 30 сўм тўланарди». Подшо замонасидаёк Туркестон-га кўчиб келган оврўпаликлар ва ерли халк ўртасига миллий низо уруглари сепилганди. Чунки бундан чоризм манфаатдор эди. Махаллий ишчилар, асосан кора ишларни, пахта заводларида тойланган пахталарни у ёқдан бу ёкка таширди, ёки тог-кон саноатида хам юк ташувчи бўлиб ишларди. Улар мавсумий ишчи хисобланарди. Инкилобий уюшкок-лик ва синфий онглилик каби гоялар хали уларга бегона эди.

Тарихчи олим П. Алексеенков «Кўкон мухториятипни тўрт даврга бўлади.

«Тайёргарлик даври» ёки биринчи давр. Октябрь инкилобидан, (аслида Октябрь тўнтариши Тошкентда Петрограддагидан бир неча кун олдин бўлиб ўтган—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавкуллодда курултойигача, яъни октябрь ойининг охирларидан 28 ноябргача.

Иккинчиси буржуазия рахбарлиги даври. (Миллатпарвар демократик кайфиятдаги махаллий буржуа мусулмон зиёлиларининг рахбарлиги даври дейилса, хакикатга тўгри бўларди—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавкуллодда курултойидан Эргаш бошчилигига хокимият тўнтаришига кадар, яъни 28 ноябрдан, 18 февралгача давом этган.

Мухторият кисмати

Муаллиф:

18.05.2010 21:50 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Учинчи давр бир неча кунгина давом этиб, аксиликелобий кучларнинг ёнгилиши ва Эргашнинг кочиши билан тугайди.

Тўртинчи давр эса, Эргаш бошчилигидаги гурухнинг янги аксиликелобий курашни бошлаб бериши. Туркистон тарихида бу курашга босмачилик кураши деб ном берилди ва неча йил давом этганлигини П. Алексеенков алоҳида таъкидлайди. Уз-ўзидан кўриниб турибдики, Туркистон тарихидаги энг конли ва фожиали давр хи-собланган «босмачилик» даври ва харакати КОНГА БОТИРИЛГАН «Кўкон мухториятиининг аччик меваси экан.

Шониёз Дониёров